

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ**

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИНИНГ
СТАТИСТИК АХБОРОТНОМАСИ**

**2018 йил
ЯНВАРЬ-СЕНТЯБРЬ**

СЎЗ БОШИ

Андижон вилоятининг статистик ахборотномаси Андижон вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудлар ҳолатини комплекс тавсифловчи Андижон вилояти статистика бошқармасининг чораклик нашри ҳисобланади. Статистик ахборотномада 2018 йил январь-сентябрь ойлари якунлари бўйича Андижон вилоятининг асосий статистик кўрсаткичлари чоп этилган.

Ушбу нашрда, ҳисобот даври учун статистик кўрсаткичлар биринчи марта Европа ҳамжамиятининг Иқтисодий фаолият турлари статистик таснифлагичига (NACE Rev.2) асосланган Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий фаолият турлари умумдават таснифлагичи (2 тахрир) бўйича шакллантирилган ва тақдим этилган.

Шу билан бирга, мавжуд фаолият турларидан фойдаланишда ИФУТ-2 талаблари қўлланилган. Хусусан, фойдаланилаётган ёки қайта ишланаётган маҳсулотларни уларнинг янги турларига қайта шакллантиришга йўналтирилган барча фаолият турлари ишлаб чиқариш жараёнларига киритилган: тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш, қайта ишлаб чиқариш саноати, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш, сув таъминоти, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш, қурилиш (таснифлагичнинг В,С,D,E,F секциялари).

Шунингдек, халқаро статистика амалиётига мувофиқ, иқтисодий трендларни янада аниқроқ таҳлил қилиш мақсадида, Ялпи ҳудудий маҳсулот тузилмасидаги иқтисодий фаолият турларининг улуш кўрсаткичлари ялпи қўшилган қийматга нисбатан келтирилган (яъни, ЯХМ ҳажмидан маҳсулотларга солиқлар ва субсидиялар чиқариб ташланган).

Нашр 12 та тематик қисмлардан ташкил топган бўлиб, у асосий макроиқтисодий индикаторларни, шунингдек Ялпи ҳудудий маҳсулотни ишлаб чиқариш, корхоналар ва ташкилотлар, жумладан кичик тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолияти, инвестицион фаоллик, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, саноат, қурилиш, бозор хизматларининг ривожланиш динамикаси тўғрисидаги статистика маълумотларини ўз ичига олади.

Сатистик ахборотномада саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, транспорт, ички ва ташқи савдо, улгуржи ва чакана савдо, демографик ҳолат ва бандлик тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар кенг ёритилган.

Қисқартма ва шартли белгилар

ЯҲМ	—	ялпи худудий маҳсулот	л.	—	литр
%.	—	фоиз	0,0	—	катта бўлмаган миқдор
млрд.	—	миллиард	м.	—	сентябрь
млн.	—	миллион	—	—	кўрсаткичнинг йўқлиги
млн.АҚШ долл.	—	миллион АҚШ доллари	га.	—	гектар
кв.	—	квадрат	тн.	—	тонна
км.	—	километр	1), 2), 3)	—	изоҳнинг мавжудлиги
м.	—	метр			

МУНДАРИЖА

Номи	бет.
АСОСИЙ ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР	7
I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ	8–10
Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби	8-9
Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича тақсимланиши	10
II. САНОАТ	11–16
Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш	11-13
Ҳудудлар бўйича саноат ишлаб чиқариш	14
Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш	15
Ҳудудлар бўйича истеъмол товарлари ишлаб чиқариш	16
Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг асосий кўрсаткичлари	16
III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ	17–27
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот(хизмат)ларининг ҳажми	17
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши	18
Дехқончилик	18-21
Чорвачилик	22–26
Фермер хўжаликлари	27
IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ	28–36
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	28–31
Асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар	32–33
Ижтимоий соҳа объектларини қуриш	34
Қурилиш фаолияти	34
Ҳудудлар кесимида қурилиш ишлари ҳажми	35
Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимооти	36
V. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ	37–44
Фойда	37-38
Зарар	39-41
Корхона ва ташкилотларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорлиги	42-44

Номи	бет.
VI. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК (БИЗНЕС)	45–46
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг асосий кўрсаткичлари	45–46
VII. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ	47–53
Корхоналар ва ташкилотлар сони	47
Кичик корхоналар ва микрофирмалар (бизнес) сони	48
Рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича сони	49
Рўйхатга олинган юридик шахсларни мулкчилик шакллари бўйича тақсимланиши	50
Рўйхатга олинган тижорат корхоналарининг ташкилий ҳукуқий шакллари	51
Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар	52–53
VIII. ХИЗМАТЛАР	54–56
Иқтисодий фаолият турлари бўйича бозор хизматлари ишлаб чиқариш	54–55
Худудлар кесимида хизматлар ишлаб чиқариш	55–56
IX. ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА	57–58
Юк ташиш	57
Йўловчи ташиш	58
X. ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ	59–61
Чакана савдо товар айланмаси кўрсаткичлари	59
Чакана савдо товар айланмаси таркиби	60–61
XI. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР	62–67
Ташқи савдо айланмаси кўрсаткичлари	62–63
Ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича тақсимланиши	63
Товар айланмасида нисбатан катта улушга эга бўлган давлатлар билан ташқи савдо айланмаси	64–65
Экспорт ва импорт таркиби	66–67
XII. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ	68–72
Доимий аҳоли сони тўғрисидаги кўрсаткичлар	68
Аҳолининг табиий ҳаракати коэффицентлари	69
Туғилиш	69
Ўлим	70
Никоҳлар ва ажралишлар	71
Миграция	72

**Асосий иқтисодий кўрсаткичлар
2018 йил январь-сентябрь**

	<i>млрд. сўм</i>	<i>2017 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
Ялпи ҳудудий маҳсулот	13177,8	108,3
Саноат маҳсулоти	15954,1	131,5
Истеъмол товарлари	12447,2	134,5
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	5622,8	100,4
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	3053,8	133,4
Қурилиш ишлари	1829,9	105,8
Юк айланмаси (млн. тн-км)	636,3	114,0
Йўловчи айланмаси (млн. йўловчи-км)	9056,4	103,2
Чакана товар айланмаси	7366,8	104,9
Хизматлар, жами	5737,7	107,4
Ташқи савдо айланмаси (млн. АҚШ долл)	1334,0	114,7
Экспорт	251,6	87,9
Импорт	1082,4	123,4
Сальдо (+;-)	-830,8	x

I. ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ


Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йил январь-сентябрда ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯХМ) ҳажми жорий нархларда 13177,8 млрд. сўмни ташкил этди. ЯХМнинг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 108,3 фоизни ташкил этди.

Январь-сентябрь ойларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби

	млрд.сўм		2017 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида
	2017 йил	2018 йил	
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	9719,1	13177,8	108,3
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	9434,9	12771,2	108,1
Маҳсулотларга соф солиқлар	284,2	406,6	113,8
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	9434,9	12771,2	108,1
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2794,8	3566,7	100,4
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	2551,0	4359,3	122,9
саноат	1959,8	3541,4	128,1
қурилиш	591,2	817,9	105,8
Хизматлар	4089,1	4845,2	104,1
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1023,2	1273,2	103,8
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	972,2	1053,4	105,7
бошқа хизматлари	2093,7	2518,6	103,6

Андижон вилояти иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯХМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, саноат тармоғининг ўсиш сурати – 128,1 % (ЯХМ таркибидаги улуши-27,7 %), қурилиш – 105,8 % (6,4 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 103,8 % (10,0 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 105,7 % (8,2 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 103,6 % (19,8 %) ни ташкил этди.

**2018 йил январь-сентябрь ойларида ЯХМ нинг
иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари
(фоизда)**



**Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби
(жамига нисбатан фоизда)**

2017 йил январь-сентябрь

2018 йил январь-сентябрь




- савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
- ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа
- хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар


Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯХМ таркибидаги улуши 10,0 % ни (2017 йил 10,8 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 8,2 % ни (10,3 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 19,8 % ни (22,2 %) ташкил этди.

**Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби
январь–сентябрь ҳолатига (жамига нисбатан фоизда)**

2017 йил январь-сентябрь



2018 йил январь-сентябрь



- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар соҳаси

II. САНОАТ

Вилоят саноат корхоналарида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнларининг жадаллашиши натижасида 2018 йил январь–сентябрь ойларида 15954,1 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши таъминланиб, ўсиш суръати 2017 йилнинг тегишли даврига нисбатан 131,5 фоизни ташкил этди.

Ҳисобот даврида 12447,2 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2017 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 134,5 фоизни ташкил этди. Жумладан, 1194,5 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 11252,7 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари (2017 йилнинг январь-сентябрига нисбатан мос равишда 101,3 фоиз ва 139,3 фоиз) ишлаб чиқарилди.


Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш (2018 йил январь–сентябрь ойларида)

	млрд. сўм	2017 йил январь- сентябрга нисбатан фоизда
Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	15954,1	131,5
Тоғ- кон саноати ва очик конларни ишлаш	73,7	102,7
<i>шу жумладан:</i>		
нефть- газ, кўмир, лигнит қазиб олиш	52,8	100,5
тоғ-кон саноатининг бошқа фаолияти	9,0	106,4
тоғ-кон саноати соҳасида хизмат кўрсатиш	11,9	110,6
Қайта ишлаш саноати	15564,6	132,2
<i>шу жумладан:</i>		
озиқ- овқат маҳсулотлари, ичимликлар тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	1326,9	103,2
пахтани қайта ишлаш, тўқимачилик маҳсулотлари, кийимлар, тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	2413,2	111,8

	млрд. сўм	2017 йил январь- сентябрга нисбатан фоизда
ёғоч ва пўкак буюмлар, поҳол ва тўқиш учун материаллардан буюмлар ишлаб чиқариш	4,5	107,3
ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	11,4	100,3
мебель ишлаб чиқариш	62,5	101,1
кимёвий маҳсулотлари, резина ва пастмасса буюмлар ишлаб чиқариш	317,7	112,9
бошқа нometалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	188,1	117,0
фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш	4,4	107,3
металлургия саноати	7,9	107,4
тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	70,1	100,7
электрон ва оптика, электр товарлар ишлаб чиқариш	325,3	112,9
автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш ҳамда машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш, тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	10764,5	146,6
бошқар турдаги тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш	68,1	101,1
Электр, газ, буг билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	284,5	106,9
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	31,3	123,2
сув таъминоти, оқава сув	20,5	100,1
чиқиндилар йиғиш, утилизация қилиш ва бошқа маҳсулотлар	10,8	215,3

Саноат соҳасида модернизациялаш кўламларини жадаллаштириш ва кенгайтириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида, саноат соҳасида фаолият юритаётган корхоналарда ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиши давом эттирилди. Умумий ҳажмга нисбатан Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг улуши қуйидагича тавсифланади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)




- Тоғ- кон саноати ва очик конларни ишлаш
- Қайта ишлаш саноати
- Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш
- Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш

Худудлар бўйича саноат ишлаб чиқариш

Андижон вилоятида саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳудудда ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Андижон вилояти саноат ишлаб чиқариш ҳажми таркибида энг кўп Асака тумани (Андижон вилояти саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 59,6 % улушини), Андижон шаҳар (17,7 %), Хонобод шаҳар (4,2 %), Шаҳрихон тумани (2,6 %), Андижон тумани (2,5 %) ҳиссасига тўғри келади.

2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида ҳудудларнинг жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши, % да



Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш

Тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини рағбатлантириш ва турларини кенгайтириш, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2017 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан (134,5 % га) ошишига таъсир кўрсатди, жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши эса 78 % ни ташкил этди.

	2017 йил январь- сентябрь	2018 йил январь- сентябрь	2017 йилнинг январь- сентябрга нисбатан фоизда
--	---------------------------------	---------------------------------	--

Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш, млрд.сўм	9257,4	12447,2	134,5
---	---------------	----------------	--------------


шу жумладан:

озик-овқат товарлари	1136,6	1162,8	102,3
ноозик-овқат товарлари	8077,8	11252,6	139,3
ароқ-вино маҳсулотлари	43,0	31,8	73,9


Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш таркиби

(жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан, фоизда)

2017 йил январь-сентябрь




2018 йил январь-сентябрь



■ Озик-овқат товарлари ■ Но озик-овқат товарлари ■ Ароқ вино маҳсулотлари

**2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида ҳудудларнинг жами истеъмол
товарлари ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши, % да**



**Тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни
маҳаллийлаштириш дастурининг асосий кўрсаткичлари**

Тармоқлараро саноат кооперациясини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектлари томонидан 2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида 3093,7млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳажмларининг ўсиши бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти учун зарур бўлган саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўсишининг ва импорт товарлари қисқаришининг омилларидан бири ҳисобланади.

	2017 йил январь-сентябрь	2018 йил январь-сентябрь
Лойиҳалар сони, <i>бирлик</i>	58	61
Корхоналар сони, <i>бирлик</i>	36	38
Ишлаб чиқариш ҳажми, <i>млрд.сўм</i>	1217,3	3093,7
Экспорт қилинган маҳаллийлаштирилган маҳсулот ҳажми, <i>минг АҚШ доллари</i>	30076,5	9608,3
Яратилган янги иш ўринлари, <i>бирлик</i>	33	7

III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ

2018 йилнинг январь-сентябрида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 5622,8 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 100,4 фоизни, шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва бу соҳаларда кўрсатилган хизматлар ҳажми 5536,2 млрд. сўмни (100,4 фоиз), ўрмончилик хўжаликларида 5,6 млрд. сўмни (137,2 фоиз), балиқчилик хўжаликларида 13,8 млрд. сўмни (126,3 фоиз) ташкил қилди.


2018 йилнинг январь-сентябрида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (хизматлар)нинг ҳажми

	Млрд. сўм	ўсиш сураъти %
Вилоят бўйича:	5622,8	100,4
<i>шаҳарлар:</i>		
Андижон	139,4	101,6
Хонобод	26,5	101,9
<i>туманлар:</i>		
Андижон	542,4	100,2
Асака	579,1	100,7
Балиқчи	395,1	100,1
Бўз	250,9	100,5
Булокбоши	314,4	100,1
Жалақудук	584,8	100,5
Избоскан	356,0	100,1
Улуғнор	176,4	102,7
Мархамат	363,3	100,1
Олтинқўл	369,5	100,3
Пахтаобод	444,3	100,1
Хўжаобод	195,6	100,3
Шахрихон	469,6	100,0
Қўрғонтепа	415,5	100,7

Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таркибий тузилишида энг юқори улуш деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келади (умумий ҳажмга нисбатан 69,2 фоиз), фермер хўжаликларида (умумий ҳажмга нисбатан 28,1 фоиз), қишлоқ хўжалигини амалга оширувчи ташкилотларда эса (умумий ҳажмга нисбатан 2,7 фоиз).

**Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг
хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)**

- Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар
- Фермер хўжаликлари



ДЕҲҚОНЧИЛИК


2018 йилнинг январь-сентябрида ишлаб чиқарилган деҳқончилик маҳсулотларининг ҳажми 4099,4 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 97,9 фоизни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 72,9 фозни ташкил қилди.

Ҳосилни йиғиб олиш. 2018 йил январь-сентябрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан жами дон экинлари 550020 тонна (90,7 фоизга), шу жумладан бошоқли дон 462094 тонна (91,6 фоизга), шундан буғдой 461884 тонна (91,6 фоизга), дон учун маккажўхори 54569 тонна (74,65 фоизга), шоли 28493 тонна (105,0 фоизга), бошқа дон экинлари 4864 тонна (2,8 мартага), пахта 134335 тонна (81,6 фоизга) картошка 219341 тонна (101,3 фоизга), сабзавот 1138409 тонна (100,5 фоизга), полиз 69699 тонна (100,9 фоизга), мева 372446 тонна (97,6 фоизга), узум 50794 тонна (102,4 фоизга) етиштирилди.

**2018 йилнинг январь-сентябрида хўжалик тоифалари бўйича
асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш**

	Фермер хўжаликлари		Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	
	минг тонна	ўсиш суръати, фоизда	минг тонна	ўсиш суръати, фоизда	минг тонна	ўсиш суръати, фоизда
Пахта	134,1	81,4	-	-	0,277	83,2
Дон	503,1	96,9	34,1	42,9	12,8	154,8
Картошка	53,7	102,9	163,6	100,7	2,1	113,5
Сабзавотлар	214,7	100,7	912,5	100,1	11,3	135,7
Полиз	40,6	100,8	28,7	101,1	0,4	93,1
Мевалар ва резаворлар	86,5	89,6	284,1	100,2	1,8	119,9
Узум	22,6	100,5	27,9	104,1	0,3	100,9

**2018 йилнинг январь-сентябрида ҳудудлар кесимида асосий
турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш**





ЧОРВАЧИЛИК



Келгусида чорвачилик соҳасининг имкониятларини оширишга қаратилган чоратадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилиши ҳамда давлат томонидан кўрсатилаётган тизимли қўллаб-қувватлашлар натижасида қорамоллар бош сонининг ўсишига, ички истеъмол бозорларининг чорвачилик маҳсулотлари билан тўйинишига имкон яратди.

2018 йилнинг январь-сентябрида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 1436,7 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 107,8 фоизни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган кишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 25,5 фозни ташкил этди.

2018 йилнинг 1 октябрь ҳолатига йирик шохли қорамоллар бош сони 1045,5 минг бошга (101,9 фоизни), шу жумладан сигирлар 356,3 минг бошга (105,7 фоизни), қўй ва эчкилар 1421,1 минг бошга (101,4 фоизни), паррандалар 7229,0 минг бошга (107,6 фоизни) ташкил қилди.

2018 йил 1 октябрь ҳолатига хўжалик тоифалари бўйича чорва моллари ва паррандалар бош сони

	Фермер хўжаликлари		Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		Кишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	
	минг бош	ўсиш суръати, фоизда	минг бош	ўсиш суръати, фоизда	минг бош	ўсиш суръати, фоизда
Йирик шохли қорамоллар	43,4	109,9	995,0	101,6	7,1	98,1
шу жумладан: сигирлар	16,4	111,5	337,5	105,5	2,4	104,0
Қўйлар ва эчкилар	59,2	116,6	1352,6	100,5	9,3	182,4
Паррандалар	986	135,9	5367	102,5	786	115,9

Умумий бош сонга нисбатан деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 95,2 фоизни, фермер хўжаликларида – 4,2 фоизни ташкил этди, сигирлар мос равишда – 94,7 ва 4,6 фоизни, қўйлар ва эчкилар – 95,2 ва 4,2 фоизни, паррандалар – 74,2 ва 13,6 фоизни ташкил қилди.

**2018 йил 1 октябрь ҳолатига ҳудудлар кесимида
чорва моллари ва паррандалар бош сони**

Йирик шохли қорамоллар (минг бош)



шу жумладан сигирлар (минг бош)



Қўйлар ва эчкилар (минг бош)



Паррандалар (минг бош)




2018 йилнинг январь-сентябрида барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазнда 110,5 минг тонна гўшт (2017 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 106,4 фоизга кўп), 613,5 минг тонна сут (108,7 фоиз), 372,8 млн. дона тухум (111,8 фоизга кўп), 1,2 минг тонна жун (101,9 фоиз) ишлаб чиқарилди.


2018 йилнинг январь-сентябрда хўжалик тоифалари бўйича асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

	Фермер хўжаликлари		Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташилотлар	
	миқдори	ўсиш суръати, фоизда	миқдори	ўсиш суръати, фоизда	миқдори	ўсиш суръати, фоизда
Гўшт, тирик вазнда, минг тонна	3,5	115,6	105,3	106,2	1,6	101,9
Сут, минг тонна	20,1	109,8	589,6	108,7	3,7	102,0
Тухум, млн. дона	40,2	100,2	295,6	111,5	36,9	131,6
Жун, тонна	58,0	107,8	1156,0	101,5	5,0	166,7
Пилла, тонна	1913,2	95,7			537,4	486,8
Овланган хавза балиғи, тонна	1456,0	122,9	35,0	233,3	1235	224,5

**2018 йилнинг январь-сентябрида ҳудудлар кесимида асосий турдаги
чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш**



**2018 йил январь-сентябрь ойларида чорвачилик маҳсулотлари ишлаб
чиқариш таркиби**
(ишлаб чиқариш умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида)



	Фермер хўжаликлари	Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар
■ Тухум	10,8	79,3	9,9
■ Сут	3,3	96,1	0,6
■ Гўшт (тирик вазнда)	3,2	95,4	1,5

Фермер хўжаликлари. 2018 йилнинг январь-сентябрида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 1582,4 млрд. сўмни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжаликларининг улуши 28,1 фоизни ташкил этди.

2018 йилнинг 1 октябрь ҳолатига фермер хўжаликларида 43,4 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 16,4 минг бош сигир, 59,2 минг бош қўй ва эчкилар, 749,0 бош от, 986,0 минг бош паррандалар мавжуд.

2018 йил январь-сентябрь ҳолатига фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари

	2017 йил январь-сентябрь		2018 йил январь-сентябрь		2017 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида
	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	
Бошоқли дон	474128	94,0	454212	98,3	95,8
шу жумладан: буғдой	474008	94,0	454212	98,3	95,8
Картошка	52123	24,1	53652	24,5	102,9
Сабзавот	213256	18,8	214653	18,9	100,7
Полиз	40230	58,2	40563	58,2	100,8
Мева ва резаворлар	96543	25,3	86523	23,2	89,6
Узум	22450	45,3	22563	44,4	100,5
Гўшт, тирик вазнда	3016	2,9	3487	3,2	115,6
Сут	18342	3,2	20132	3,3	109,8
Тухум, млн. дона	40,2	12,1	40,2	10,8	100,2
Жун, тонна	54	4,5	58	4,8	107,8
Пилла, тонна	1999,6	94,8	1913,2	78,1	95,7

2018 йил 1 октябрь ҳолатига фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан бошоқли дон (95,8 %), мева ва резаворлар (89,6 %) ва пилла (95,7) фоизни ташкил этиб, 2017 йилнинг тегишли даврига нисбатан камайиб кетган.

IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2018 йил январь-сентябрь ойларида вилоятнинг асосий капиталини кўпайтиришга 3053,8 млрд. сўм миқдорида инвестициялар киритилиб, шундан хорижий инвестиция ва кредитлар 133,4 млрд. сўмни ташкил этди.

Асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми ЯҲМга нисбати 4,3 фоизни ташкил қилиб, 2017 йил январь- сентябрга нисбатан 33,4 фоизга ошди.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши (2018 йил январь-сентябрь)

	млрд.сўм	ўсиш суръати, фоизда	яқунга нисбатан фоизда
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	3053,8	133,4	100,0
<i>шу жумладан:</i>			
Марказлашган инвестициялар:	440,4	187,0	14,4
бюджет маблағлари	116,6	142,6	3,8
давлат мақсадли фонд маблағлари	197,8	134,4	6,5
тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари	-	-	-
болалар спортини ривожлантириш	3,6	85,6	0,1
ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари	122,4	52,7 м	4,0
Марказлашмаган инвестициялар	2613,4	127,2	85,6
корхоналарнинг ўз маблағлари	735,4	138,9	24,1
аҳоли маблағлари	794,3	91,9	26,0
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	512,5	228,5	16,8
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	571,2	131,0	18,7


Давлат бюджетидан ажратилган инвестициялар ижтимоий соҳани ва ҳаётий таъминот тизимини қўллаб қувватлашга, Андижон вилояти инфраструктурасини ривожлантиришга қаратилган манзилли инвестиция дастурларини амалга ошириш учун йўналтирилган.

Асосий капиталга киритилган инвестициялар
(2018 йил январь-сентябрь ойларида)


	<i>Жами</i>		<i>шу жумладан қурилиш-монтаж ишлари</i>	
	<i>млрд. сўм</i>	<i>ўсиш суръати, фоизда</i>	<i>млрд. сўм</i>	<i>жамига нисбатан улуши, фоизда</i>
Вилоят бўйича:	3053,8	133,4	1839,8	100,0
шаҳарлар:				
Андижон	1090,0	179,1	526,5	28,6
Хонобод	36,6	132,1	30,9	1,7
туманлар:				
Андижон	144,5	92,8	102,0	5,5
Асака	219,0	163,2	161,5	8,8
Балиқчи	95,3	199,1	53,2	3,0
Бўз	69,4	188,7	55,3	3,0
Булоқбоши	73,4	94,3	56,7	3,1
Жалақудуқ	98,8	98,5	88,9	4,8
Избоскан	215,3	254,4	90,5	4,9
Улуғнор	37,0	239,2	33,3	1,8
Мархамат	103,8	120,2	85,0	4,6
Олтинқўл	186,0	71,1	155,8	8,5
Пахтаобод	124,3	147,8	113,0	6,1
Хўжаобод	156,8	140,9	81,3	4,4
Шаҳрихон	162,6	159,0	95,5	5,2
Қўрғонтепа	241,0	262,7	110,4	6,0
Бўлинмайдиган хажмлар	-	-	-	-

**Асосий капиталга киритилган инвестицияларда марказлашган ва
марказлашмаган инвестицияларнинг улушлари
(фоиз ҳисобида)**

2017 йил январь-сентябрь




2018 йил январь-сентябрь



**2018 йил январь-сентябрда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг
технологик таркиби**

	жами	шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича:	
		давлат	нодавлат
Жами, млрд. сўм	3053,8	447,2	2606,6
<i>шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида</i>	100,0	100,0	100,0
қурилиш-монтаж ишлари	60,3	87,9	55,5
<i>машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариши ва хўжалик жиҳозлар</i>	36,2	6,8	41,3
Бошқа харажатлар	3,5	5,3	3,2

**Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг
иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши**
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)



Иқтисодий фаолият турлари бўйича юкори улушга эга бўлганлар уй-жой қурилиши – 33,2 фоиз, ишлаб чиқарадиган саноатда 29,2 фоиз, бошқа фаолият турлари 15,9 фоизни ташкил этди. Ўтган йилнинг тегишли даврига ишлаб чиқарадиган саноатнинг улуши жамига нисбатан 9,3 фоиз, уй-жой қурилиши 5,6 фоизга камайган, бошқа фаолият турлари улуши 0,4 фоизга камайган.

Асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар

2018 йил январ-сентябрда асосий капиталга киритилган хорижий инвестиция ва кредитларнинг умумий ҳажми 635,0 млрд.сўмни ёки ўсиш суръати 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 2,7 мартани ташкил қилди.

Хорижий инвестиция ва кредитларнинг жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялардаги улуши 20,8 фоизни ташкил этди. Хорижий инвестиция ва кредитларнинг энг катта улуши Андижон шаҳрида 61,7 %, Избоскан туманида 18,0 %, Қўрғонтепа туманида 14,9 % ва Андижон туманида 1,8% кузатилди.

Худудлар бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар (2018 йил январь-сентябрь ҳолатига млрд.сўм)

	Жами инвестиция ва кредитлар	шу жумладан:		Тўғридан- тўғри ва бошқа инвестиция ва кредитлар	шу жумладан:	
		инвестиция	кредит		инвестиция	кредит
Вилоят бўйича	635,0	391,3	243,7	512,6	391,3	121,3
Андижон ш.	391,9	258,9	133,0	285,4	258,4	26,5
Хонабод ш.	6,3	3,0	3,2	3,1	3,0	0,1
туманлар:						
Андижон	8,7	1,6	7,1	1,6	1,6	-
Асака	11,3	5,7	5,6	5,7	5,7	-
Балиқчи	0,2	0,2	-	0,2	0,2	-
Бўз	3,2	3,2	-	3,2	3,2	-
Булоқбоши	2,1	2,1	-	2,1	2,1	-
Жалалқудуқ	-	-	-	-	-	-
Избоскан	114,2	114,2	-	114,2	114,2	-
Улуғнор	1,7	1,7	-	1,7	1,7	-
Мархамат	0,1	0,1	-	0,1	0,1	-
Олтинқўл	0,1	0,1	-	0,1	0,1	-
Пахтабод	-	-	-	-	-	-
Хўжабод	-	-	-	-	-	-
Шахрихон	0,5	0,5	-	0,5	0,5	-
Қўрғонтепа	94,7	-	94,7	94,7	-	94,7

**Асосий капиталга киритилган хорижий инвестиция
ва кредитларнинг таркиби**
(2018 йил январь–сентябрь ойларида)

	млрд. сўм	умумий хажмга нисбатан фоизда	
		давлат кафолати остида	тўғридан-тўғри ва бошқалар

**Жами асосий капиталга
киритилган хорижий
инвестиция ва кредитлар**

635,0

122,4


512,6

шу жумладан:

давлат	-	-	-
нодавлат	635,0	122,4	512,6

Ҳисобот даврида Андижон вилояти бўйича нодавлат секторга киритилган хорижий инвестиция ва кредитларнинг, жами хорижий инвестиция ва кредитлардаги улуши 100,0 фоизни ташкил қилди.

**Хорижий инвестиция ва кредитларнинг
алоҳида иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши**
(умумий хажмга нисбатан, фоизда)



Хорижий инвестиция ва кредитларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича салмоқли қисмининг ўзлаштирилиши текстил маҳсулотларини ишлаб чиқаришга тўғри келиб, жами инвестиция хажмида – 16,0 фоизни ташкил қилди ва 2017 йилнинг январь–сентябрига нисбатан 153,3 фоизга ошди. 2018 йилда киритилган хорижий инвестицияларнинг катта улуши алоқа, ишлаб чиқариш ва транспорт соҳасига тўғри келди, яъни хорижий инвестиция ва кредитларнинг 99,6 фоизи ушбу соҳаларга киритилди ҳамда ўсиш суръати аввалги йилга нисбатан 2,8 мартага ошди.

Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

2018 йил январь-сентябрда умумий майдони 749,2 минг кв.м. бўлган 5674 та уй-жой, шу жумладан қишлоқ жойларида 509,5 минг кв.м. майдонга эга бўлган 4159 та уй-жой фойдаланишга топширилди. Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 1013,5 млрд.сўми ёки 51,4 фоизи турар-жой қурилишида ўзлаштирилди.

Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, musiқа ва санъат мактаблари қуриш, қайта таъмирлаш ҳамда касб-хунар коллежларига ва умумтаълим мактабларига спорт иншоатлари қурилишида 143,0 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 7,2 фоизни ташкил қилади.

Соғлиқни сақлаш объектларини қурилишида 82,7 млрд. Сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 4,2 фоизини ташкил этди.

Мазкур даврда соғлиқни сақлаш объектларини қуриш ва реконструкция ишларида 82,7 млрд.сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 4,2 фоизини ташкил қилади.

Коммунал қурилиш соҳасида 160,8 км узунликдаги ичимлик суви, 1,5 км узунликдаги газ тармоқлари ишга туширилди, бу 2017 йил январь-сентябрга нисбатан мос равишда 136,8 фоиз ва 22,0 фоизни ташкил қилди.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига аҳоли маблағлари ҳисобига 821,7 млн.сўм, миқдорида инвестициялар ўзлаштирилди.

Қурилиш фаолияти. 2018 йил январь-сентябрь ойларида 1829,9 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 105,8 фоизга бажарилди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 80,6 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 4,8 фоизи фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 14,6 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан умумий ҳажмдан 76,4 фоизи янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келади.


Худудлар кесимида қурилиш ишлари ҳажми
(2018 йил январь–сентябрь ойларида)

	Жами, млрд. сўм	Ўсиш суръати, фоизда	шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича, жамига нисбатан фоизда		
			давлат	нодавлат	шундан хусусий
Вилоят бўйича:	1829,9	105,8	2,9	97,1	90,6
шаҳарлар:					
Андижон	632,2	108,0	2,1	97,9	81,5
Хонобод	30,6	104,9	0,0	100,0	84,6
туманлар:					
Андижон	140,7	78,9	0,5	99,5	99,6
Асака	94,6	131,7	0,8	99,2	98,0
Балиқчи	44,3	106,2	1,6	98,4	96,7
Бўз	79,8	135,8	0,9	99,1	99,8
Булоқбоши	34,3	110,1	2,1	97,9	99,1
Жалақудук	81,7	111,9	24,8	75,2	97,0
Избоскан	88,2	107,2	0,8	99,2	99,8
Улуғнор	31,4	142,3	33,0	67,0	98,3
Мархамат	78,6	106,8	0,9	99,1	72,4
Олтинқўл	140,3	98,8	0,5	99,5	98,8
Пахтабод	98,9	122,6	0,7	99,3	95,3
Хўжабод	38,5	71,7	1,7	98,3	76,7
Шахрихон	167,1	110,5	0,4	99,6	99,8
Қўрғонтепа	48,7	89,0	1,5	98,5	90,1


Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 1777,6 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 97,1 фоизни (2017 йил январь-сентябрга нисбатан ўсиш суръати 107,4 фоизни) ташкил қилди.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимооти
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

2017 йил январь-сентябрь



2018 йил январь-сентябрь



- Давлат мулки
- Фуқаролар хусусий мулки
- Хўжалик бирлашмалари мулки
- Бошқа мулкчилик шакллари

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари ҳажмида юқори улуш хўжалик бирлашмалари мулки 53,9 фоиз (ўтган йилнинг тегишли даврида 50,8 фоиз), фуқаролар хусусий мулки 42,8 фоиз (ўтган йилининг тегишли даврида 44,6 фоиз)ни ташкил этди.

V. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ ¹⁾

Фойда. Ҳисобот маълумотларига кўра, 2018 йилнинг январь-август ойларида иқтисодиёт тармоқларида корхона ва ташкилотлар томонидан 201,5 млрд. сўм. миқдорда якуний молиявий натижа олинди.

2017 йилнинг шу даврига нисбатан солиштирганимизда, фойда ҳажми 144,5 млрд. сўм ёки 3,5 мартага ошган.

2018 йилнинг январь-август ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича якуний молиявий натижалари

	<i>Фойда, зарар (-), млн.сўм</i>	<i>2017 йилнинг январь-августига нисбатан фоизда</i>
Жами	201480,2	-
Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш	165,9	88,9
Ишлаб чиқарадиган саноат	168721,0	-
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	-5791,0	-
Қурилиш	1404,8	135,3
Савдо	33173,5	116,1
Ташиш ва сақлаш	-804,5	-
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	309,8	112,7
Ахборот ва алоқа	65,1	-
Кўчмас мулк билан операциялар	3078,1	51,5
Профессионал, илмий ва техник фаолият	28,8	-
Бошқариш бўйича фаолият ва ёрдамчи хизматлар кўрсатиш	0,9	138,9
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	1,4	68,2
Бошқалар	1126,4	-

¹⁾ Бюджет ва бошқа нотижорат ташкилотлар, маҳсулот ишлаб чиқарувчи қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, сугурта ташкилотлари, банклар, кичик корхоналар ва микрофирмаларсиз.

2018 йилнинг январь-август ойларида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан солиштирганимизда, фойданинг асосий ўсиши “Ўзавтосаноат” АК (149,8 млрд. сўм), “Ўзпахтаёғ” АЖ (6,9 млрд. сўм), “Ўзэлтехсаноат” АК (3,5 млрд. сўм) га тўғри келди.

Фойданинг пасайиши “Ўзнефтваз” АЖ 7,6 млрд. сўмга, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ 28,5 млн. сўмга, кузатилган.

**2018 йилнинг январь-август ойларида ҳудудлар кесимида
якуний молиявий натижалари**


	<i>Фойда, зарар (-), млн.сўм</i>	<i>2017 йилнинг январь-августига нисбатан фоизда</i>
Вилоят бўйича:	201480,2	-
<i>шаҳарлар</i>		
Андижон шаҳар	28475,8	125,2
Хонобод шаҳар	4143,4	102,4
<i>туманлар:</i>		
Андижон	1338,7	152,6
Асака	160266,1	-
Балиқчи	962,8	116,9
Бўз	85,9	102,9
Булоқбоши	1,0	0,5
Жалакудук	331,9	182,9
Избоскан	1187,4	59,4
Улуғнор	267,4	116,8
Мархамат	113,9	82,5
Олтинкўл	144,9	100,6
Пахтабод	393,4	131,1
Хўжабод	2649,2	73,4
Шаҳрихон	1068,7	131,1
Қўрғонтепа	49,9	55,9

Ҳудудлар кесимида фойданинг асосий қисми Асака тумани 160,3 млрд.сўм (жами фойданинг 79,5 %), Андижон шаҳар 28,5 млрд.сўм (14,1 %), Хонобод шаҳар 4,1 млрд.сўм (2,0 %), Хўжабод тумани 2,6 млрд.сўм (1,3 %) ва Андижон тумани 1,3 млрд.сўм (0,6 %) га тўғри келади.

Зарарлар. 2018 йилнинг январь-август ойларида 6 та корхона ва ташкилотлар 24,8 млрд. сўм зарар билан фаолиятини якунлади.

Зарарнинг асосий қисми “Ўзавтосаноат” АК– 17,9 млрд. сўм (72,3 %), “Ўзнефтгаз” АЖ– 5,6 млрд.сўм (22,5 %), Алоқа ва ахборот – 0,9 млрд. сўм (3,6 %), Ўзкоммунизмат 0,3 млрд.сўм (1,4 %) га юқоридаги вазирлик ва корхоналар таркибига кирувчи корхоналар ҳиссасига тўғри келди.

**2018 йилнинг январь-августида зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг
молиявий натижалари**
(жамига нисбатан фоизда)




■ "Ўзавтосаноат" АК ■ "Ўзнефтгаз" АЖ ■ Алоқа ва ахборот
■ Ўзкоммунизмат ■ Бошқалар

**2018 йилнинг январь-августида иқтисодий фаолият турлари бўйича зарар
кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари**

	Корхоналар сони	Зарар суммаси	
		млн.сўм	жамига нисбатан фоизда
Жами	6	24820,1	100,0
Ишлаб чиқарадиган саноат	1	17943,8	72,3
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	2	5934,5	23,9
Ташиш ва сақлаш	1	902,2	3,6
Савдо	2	39,6	0,2

**2018 йилнинг январь-августида иқтисодий фаолият турлари бўйича зарар
кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари**
(жамига нисбатан фоизда)



